

**Диққат! Диққат! Диққат!**  
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан**  
**чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шarti билан “нол” харид қийматида сотиладиган давлат активлари бўйича очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

**Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.**

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (га)	Объект манзили	Президент, Хукумат қарор рақами ва санаси	Балансда сақловчи	Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм)	Объект негизда ташкил этиладиган фаолият йўналиши	Инвестициянинг бажариш муддати (йил)	Объектда яратиладиган янги иш ўринлари сони (дона)
1	"Далварзин" радиоузелининг бино ва иншоотлари	346,06	0,248	Бекобод тумани, Далверзин фермерлар уюшмаси ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Бекобод туман ҳокимлиги	200		1	12
2	Нотурар жой бино иншооти	824,17	0,199	Юқоричирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ Қизлсой маҳалласи	ВМ-252 05.08.2016й.	Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги	700		3	7
3	Жанубий кон бошқармасининг алоқа участкаси биноси	420,62	0,380	Ангрен, Қизилтоғ кўргони (Красногорск)	ВМ-252 05.08.2016й.	"НКМК" ДКнинг Жанубий кон бошқармаси	350		2	5
4	Сауна биноси	236,10	0,0236	Олмалиқ шаҳар Гайдар кўчаси	ВМ-252 05.08.2016й.	"Олмалиқ автомобил ўқув ишлаб чиқариш комбинати" МЧЖ	200		1,5	6
5	Нотурар-жой бино иншоотлари	724,62	0,100	Ангрен шаҳар Янгиобод кўргони Ғ.Ғулом кўчаси	ВМ-252 05.08.2016й.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1300		2	10
6	Дўкон биноси	420,76	0,050	Ангрен шаҳар Мактаб кўчаси	ВМ-252 05.08.2016й.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	800		2	10
7	"Портловчи моддаларни сақлаш омбори бино-иншоотлари"	609,51	6,65	Ангрен шаҳар, Красногорск кўргони	ВМ-252 05.08.2016й.	"НКМК" ДКнинг Жанубий кон бошқармаси	1500		2	15
8	"Собиқ 7-сонли ўт ўчириш қисми бино-иншоотлари"	246,06	0,16	Бекобод шаҳар, Пахтаобод кўчаси	ВМ-252 05.08.2016й.	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	150		2	5

9	“Ёғочни қайта ишлаш цехи бино-иншоотлари”	355,13	0,690	Чиноз тумани, Эшонобод ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Чиноз туман ҳокимлиги	200		2	5
10	“Собик Клуб бино-иншоотлари”	123,13	0,060	Оққўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ	ВМ-252 05.08.2016й.	Оққўрғон туман ҳокимлиги	100		1,5	4
11	"47-сонли умумтаълим мактаби бино-иншоотлари"	756,32	0,170	Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Чиноз туман ҳокимлиги	300		2	7
12	“Алохида турган радиоузелининг бино-иншоотлари”	160,26	0,240	Оҳангарон туман, Карахтай ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Оҳангарон туман ҳокимлиги	150		2	5
13	“19-сонли мактаб бино-иншоотлари”	402,9	0,04	Ўртачирчиқ туман, Истиклол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги	500		1,5	6
14	“57-сонли мактаб бино-иншоотлари”	508,45	0,062	Ўртачирчиқ туман, Истиклол ҚФЙ, Янги ҳаёт ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги	600		2	18
15	"Собик 61-сонли умумтаълим мактаб бино-иншоотлари"	361,36	0,152	Ўртачирчиқ туман, Йўнғичқоли ҚФЙ, Йўнғичқоли маҳалласи ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги	300		1,5	8
16	“Собик лицей бино-иншоотлари”	1900	0,9335	Чирчиқ шаҳар, В.Хайдаров кўчаси 20-а уй	ВМ-252 05.08.2016й.	Чирчиқ шаҳар хусусийлаштириш га кўмаклашиш маркази ДК	3500		2	8
17	“Нотурар-жой бино-иншоотлари”	709,17	0,2757	Чирчиқ шаҳар, Менделеев кўчаси 8-уй	ВМ-252 05.08.2016й.	Чирчиқ шаҳар хусусийлаштириш га кўмаклашиш маркази ДК	1500		2	6
18	“Ўзбекистон ҚВПнинг фойдаланилмаётган бино-иншоотлари”	141,1	0,014	Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ ҳудуди	ВМ-252 05.08.2016й.	Зангиота туман ҳокимлиги	150		2	5
19	“Нотурар жой” биноси***	1455,72	1,030	Юқоричирчиқ тумани, “Наврўз” Қ.Ф.Й., Наврўз маҳалласи	ВМ-252 05.08.2016й.	Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги	1200		2	10
20	Собик болалар боғчаси бино ва иншоотлари	927,95	0,646	Юқоричирчиқ тумани, “Арганчи” ҚФЙ, Ободон маҳалласи	ВМ-25205.08.2016й.	Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги	1000		2	10

21	Хаммом (сауна) бино ва иншоотларини	261,69	0,026	Чирчиқ шаҳар, Х.Махсудов кўчаси, 3-уй	ВМ-252 05.08.2016й.	“Чирчиқ Автобус Таксомотор Саройи” МЧЖ	400		2	7
22	Фойдаланилмаётган Почта бино ва иншоотлари	115	0,012	Чирчиқ шаҳар, Рамазон кўчаси, 1А-уй	ВМ-252 05.08.2016й.	“Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари корхонаси” МЧЖ	200		2	5
23	Ўқув ишлаб чиқариш корпуси бино ва иншоотлари	1513,7	0,316	Янгийўл тумани, Хўжабод кўргони	ВМ-252 05.08.2016й.	"Олмазор тажриба механика таъмирлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси" ДК	1500		2	10
24	"Бўстонлик" клуб биноси	1074,1	0,1075	Бўстонлик тумани, Ғазалкент ҚФЙ	ВМ-252 05.08.2016й.	Бўстонлик туман ҳокимлиги	1500		2	10
25	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган устахона биноси	3394,0	1.2	Ангрен шаҳар, Янгибад кўргони, Кончи кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	18-сонли умутаълим мактаби	350		2	50
26	2-қаватли бўш турган бино	800	0.11	Охангарон тумани, Эйвалек кўргони, Ғарбий кўчаси, 44	ПҚ-2340 28.04.2015й. (3-илова)	Охангарон тумани ҳокимияти	200		2	20
27	Собик болалар боғча бино ва иншоотлари	553	0,36	Куйичирчиқ туман, "Ўзбекистон беш йиллиги" ҚФЙ, Бирлик маҳалласи	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	Куйичирчиқ тумани халқ таълими бўлими	275		1,5	15
28	Фойдаланилмаётган ногулар жой биноси	180	0,02	Ангрен шаҳар, 5/3 дахаси	ПҚ-2000 12.07.2013й. (7-илова)	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	30		1	3

Инвестиция киритиш мобайнида яратилган ишчи ўринлари, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгандан сўнг кейинги 1 йил давомида сақланади.

Танловда ғолиб деб топилган талабгор шартнома имзолангандан кейин 30 кун муддат ичида танлов объектини мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолади, бунда баҳолашга кетадиган сарф харажатлар танлов ғолиби томонидан қопланади.

инвестиция киритиш шарт билан “нол” харид қийматида хусусийлаштиришда инвестор томонидан инвестиция киритиш муддати тугаб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг, хусусийлаштирилган объектининг 60 фоиздан кам бўлмаган ҳудуди (бино ва иншоотлар) ишга туширилган ва ишлаб чиқариш билан банд бўлган бўлиши лозим.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2016 йил 14 декабр куни, соат 9<sup>00</sup> да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг 4-қаватидаги конференция залида очилади.

Танловда қатнашиш учун муҳрлаб қўйилган таклифлар олиш 2016 йил 12 декабр 18<sup>00</sup> да ҳамда танлов бўлиб ўтмаганда оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган санасидан камида икки иш куни олдин тўхтатилади.

Танлов савдоси ушбу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари, соат -9<sup>00</sup> да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларида ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй манзилида жойлашган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили шахсан ёхуд почта орқали ҳудудий танлов комиссиясининг ишчи органига танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда икки нусхада буюртманомга тақдим этади:

танловда қатнашиш истаги билдирилган ариза;

нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, таъсис ҳужжатларининг нусхаси ҳамда ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда;

икки нусхадаги муҳрланган конвертга солинган танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган танлов таклифи, унда қуйидагилар бўлиши керак:

бизнес-режани бажариш, асбоб-ускуналар етказиб бериш (назарда тутилган бўлса) муддатлари, ишлаб чиқариш режалаштирилаётган маҳсулот турлари ёхуд кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, қутилаётган иқтисодий самара кўрсатилган бизнес-режа, шу жумладан инвестиция киритиш режаси;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг тури, муддати ва уларни бажариш, шу жумладан давлат мулки объектини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик жиҳатидан фойдаланиш шартлари;

талабгорнинг молиявий жиҳатдан тўловга қодирлигини ва (ёки) тегишли тармоқда илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 268-23-21, 268-29-77.

Факс: (0-371) 268-29-44. Интернет тармоғидаги веб-сайт: [www.gki.uz](http://www.gki.uz), [www.gkitorg.uz](http://www.gkitorg.uz), [www.tashvil.gov.uz](http://www.tashvil.gov.uz).

Шунингдек, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида жойлашган “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг Жанубий кон бошқармасига қарашли “1-сонли автоколонна биноси” бўйича Мазъулияти чекланган жамияти шаклидаги “SEOWON KIUP” хорижий корхонаси – 15 ой муддат ичида “Объектда қурилиш ва қайта таъмирлаш (реконструкция) ишларини амалга ошириш орқали ёзуа поясини қайта ишлаш орқали ёғоч қиринди плиталари (ДСП) ишлаб чиқаришни ташкил этиш” учун 4,0 млн.АҚШ доллари миқдорида инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 50 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Иванова кўчаси 5-уй манзилида жойлашган “Бўш турган маъмурий бино” бўйича "GOLDEN OLMALIQ GROUP" мазъулияти чекланган жамияти - 1 йил (12 ой) муддат ичида “Объектда қурилиш ва қайта таъмирлаш (реконструкция) ишларини амалга ошириш орқали автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчасини ташкил этиш” учун 287,0 млн.сўм миқдорда инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 22 та янги иш ўринларини яратиш;

Тошкент вилояти, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 11-даҳа, С.Рахимов кўчаси ҳудудида жойлашган “Ёшлик спорт залининг бўш турган биноси” бўйича “BEK MADAD QURILISH” мазъулияти чекланган жамияти – 15 ой муддат ичида “Объектда қайта таъмирлаш (реконструкция) ишларини амалга ошириш орқали спорт мажмуаси (тринажер, футбол, валејбол, ганбол мадойлари) ташкил этиш” учун 850,0 млн.сўм миқдорда инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳамда 18 та янги иш ўринларини яратиш шартлари бўйича танлов ғолиби деб топилди;

Бундан ташқари, "Тошкент вилояти МТПлар бирлашмаси"АЖ жамиятнинг ташкилий ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятидан бошқа мулкчилик шаклига ўзгартирилгандан сўнг ва камида 51 фоиз давлат улушини сақлаш шarti билан сотилади.;

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ҳудудида жойлашган Ангрен нефт базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори 4-иловасига асосан оммавий оферта савдолари орқали сотилган.;

Тошкент вилояти, Ангрен, красногорск қишлоғида жойлашган "Механик таъмирлаш цехи" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори 4-иловасига асосан оммавий оферта савдолари орқали сотилган.;

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Фойдаланилмаётган маъмурий бино-иншоотлари" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли қарори 4-иловасига асосан оммавий оферта савдолари орқали сотилган.;

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Тошкент вилояти рақобат бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонларига шунингдек Тошкент вилояти ҳокимлигининг (0-371) 232-80-25 телефон рақамларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

***Савдоларга марҳамат қилинг!***